
Тадбиркорлар билан навбатдаги учрашув ва қабул ташкилланди

Тадбиркорликни ривожлантириш, тадбиркор ва ишбилармонлар учун қулай шароитлар яратиш – иқтисодий ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш, аҳоли турмуш фаровонлигини янада юксалтиришда муҳим омил ҳисобланади.

Ушбу муҳим тадбирлар Фурқат туманида узлуксиз давом эттирилмоқда. Хусусан, бугун 1-сектор штабида туман ҳокими, 1-сектор раҳбари Жаҳонгир Жуманов тадбиркорлар билан учрашув ва қабул ўтказди.

Масъул ташкилотлар раҳбарлари иштирокида ўтказилган қабулда тадбиркор ва ишбилармонлар, лойиҳа ташаббускорлари сектор раҳбари билан юзма-юз мулоқот ўтказилди. Тадбиркорлар шикоят ва таклифларини баён қилдилар.

Қабул давомида турли масалаларда 15 дан зиёд мурожаатлар қабул қилинди. Мурожаатлар бўйича назорат-режа ишлаб чиқилиб, қонунда белгиланган тартибда ва муддатларда кўриб чиқилиши назоратга олинди.

2023-08-04 19:03:38